

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



---

**“БАДИИЙ ТАҢКИД ФАНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

---

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**



**Тузувчи: *доцент М.Умаров***

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....</b>	<b>9</b>
<b>ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>МАЪРУЗА МАТНИ .....</b>	<b>21</b>
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....</b>	<b>32</b>
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>34</b>
<b>МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>35</b>
<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САВОЛЛАРИ.....</b>	<b>36</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>44</b>



## ИШЧИ ДАСТУР

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Бадиий танқид фанини модернизациялаш” модулининг мақсади:**  
“Бадиий танқид фанини модернизациялаш” фан дастури асосида Санъатшунослик ва маданиятшуносликка таълуқли фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича малака ва кўникмаларни ривожлантиришни, ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланишни, янги усул ва услубларнинг кашф этишни, анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизациялашни, таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар каби масалаларни қамраб олишни, тингловчиларнинг педагогик ва эстетик тасаввурини бойитишни, дунёқараш ва фикрлаш доирасини кенгайтиришни мақсад қилган.

### **“Бадиий танқид фанини модернизациялаш” модулининг вазифалари:**

- Дастур мазмунида санъатшунослик ва маданиятшунослик назарияси концепциясидаги замонавий ўзгаришлар, фаннинг илмий изланишлар натижаси билан бойиб бориши, олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари, тақриз ва бадиий баҳолашнинг замонавий мезонлари, замонавий танқидчилар ва улар фаолиятидаги янгиланишлар назарда тутилади. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган

Ушбу фан дастури малака оширгани келган санъатшунос ва маданиятшуносларга санъат асаридаги ҳаётий воқелик моҳиятини англаш, эстетик баҳо бериш ва унинг характерини очишига туртки бўлади.

### Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Бадиий танқид фанини модернизациялаш” учун олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва «Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиш методикасида инновациялар» мутахассисликлари махсус фанлари педагоглари малакасини оширишга қўйилган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича ўқув дастурига асос қилиб олинган.



### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Бадиий танқид фанини модернизациялаш” модули бевосита Санъат назарияси ва тақризининг замонавий концепцияси, Санъаншунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш, Санъатшунослик фанининг долзарб масалалари модуллари билан бевосита ва билвосита боғлиқ ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Таълимнинг меъёрий ҳуқуқий асослари инсоният тараққиётининг ҳаракатлантирувчи омили сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт моҳиятини касб этади. Юксак маънавий ва ахлоқий талабларига жавоб берувчи юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш стратегик мақсадларни акс эттиради.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўринишлари	2	2	2			
2.	Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши.	2	2	2			
3.	Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ва улардан фойдаланиш	2	2		2		
4	Таълим сифатининг яхшиланишига хизмат қилувчи омиллар.						2
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>		<b>2</b>



**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ****1-мавзу. Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўринишлари**

Режа:

1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгарилшларнинг фан ўқитилишини янги босқичлари.
3. Бадиий танқид жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти.

“Бадиий танқид тарихини ўрганиш орқали унинг ривожланиш босқичлари ўзлаштирилади. Ривожланиш босқичлари эса, фаннинг такомиллашишидаги воситаларини ўз ичига қамраб олади. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгарилшларнинг фан ўқитилишидаги янги босқичлар ўз моҳиятига кўра малака ошириш жараёнида қуйидаги: “Жаҳон ва миллий театр тарихи”, “Драматургия тарихи ва назарияси”, “Тасвирий санъат тарихи ва замонавий масалалари. “Театр декоратив санъати”, “Муסיқа тарихи ва замонавий муסיқий санъати”, “Кино санъати тарихи.” Замонавий жаҳон ва миллий кино санъати”, “Телерадио санъати”, “Анъанавий ва замонавий томоша санъатлари”. “Режиссура ва актёрлик санъати асослари” фанларни бевосита ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда кечади. Тингловчиларнинг педагогик маҳорати ва нутқ маданиятига эътибор қаратиш натижасида камчиликлар бартараф қилинади ва шу билан биргаликда амалий кўникмалари такомиллаштирилади.

**2-мавзу. Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши.**

Режа

1. Анъанавий услубларнинг замонавий услублар билан синтези.
2. Фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни.
3. Бугунги кунда бадиий танқид фанининг тадқиқот предмети.

Анъанавий услублар танқиди ва тахлили аввало театр санъатида бошланди. Театр санъати борлиқни бадиий акс эттириш воситаларидан бири бўлиб, томоша санъатининг ўзига хосликларини ёритади Глобаллашув жараёнида анъанавий услубларнинг замонавий услублар билан синтези тезлашди ва такомиллашди. Натижада санъат турларининг ўзига хос бадиий танқид услуби ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини очиб берадиган тушунчалар пайдо бўлди.



## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу. Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ва улардан фойдаланиш

Режа:

- 1.Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар
2. Таълим сифатини яхшилашга хизмат қилувчи омиллар.
- 3.Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришлар
4. Замонавий оқим ва йўналишларнинг турлари.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

- 1.Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Замонавий бадиий танқид ва танқидчилар.
3. Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.
- 4.Санъат асарини ташхис этиш.
- 5.Бадиий дидни тарбиялаш тамойиллари.
6. Илмий ва ижодий изланишлар услубиёти.
7. Маданият ва санъат тарихи фанларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.
8. Миллий театр эстетикаси
9. Музейшунослик масалалари

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 1997.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-йил 16-мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.
- 2.2.”Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2005 й, 27 декабрь.
- 2.3.Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – 1998. - 26 март //



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 4-сон. 1998. - б. 5-9.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 2001. – б. 189-190.

### **III.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги “Жаҳон адабиёти” журналинини ташкил этиш тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 1997 йил 1 март.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон.

### **IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

4.1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

4.2.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999.

4.3. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. (Президент Ислом Каримовнинг Независимая газета мухбирининг саволларига жавоблари). –Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.4.Каримов И.А. Миллий истиклол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

4.5.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

4.6.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

4.8. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

4.9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтириш. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

4.10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.



**V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

- 5.1. Абдусаматов Х. Драма назарияси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
- 5.2. Алимжанова З.Й., Тўлаганов А.Н., Саҳна нутқи. – Т., Модул, 2005.
- 5.3. Арасту. Поэтика. Аҳлоқи кабр. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
- 5.4. Бояджиёв Ғ. От Софокла до Брехта за сорок театральных вечеров. – М.: Просвещение, 1969.
- 5.5. Дўстоев Т. Музей ва маънавият. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 32-сон.
- 5.6. Истиклол ва миллий театр (тўплам). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
- 5.7. Икромов Х. Замон ва саҳна. – Т.: Маънавият, 2010.
- 5.8. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
- 5.9. Носирова А. Саҳна нутқи. – Т., Фан 2013.
- 5.10. Сайфуллаев Б. Актёрлик маҳорати. – Т.: Фан, 2012.
- 5.11. Салимов О. Касбим режиссёр. – Т.: Ғ. Ғулом, 2009.
- 5.12. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
- 5.13. Турсунов Т. Саҳна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
- Тўлаганов А. Саҳна нутқи. – Т., Муסיқа 2009.

**VI. Интернет сайтлари**

- 6.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
- 6.2. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси – [uzas@mcs.uz](mailto:uzas@mcs.uz).  
[www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).
- 6.4. “Жаҳон адабиёти” журнали- [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)
- 6.5. [www.literature.uz](http://www.literature.uz).
- 6.6. [www.Ziyo.net.uz](http://www.Ziyo.net.uz).
- 6.7. Театр” журнали- [uzteatr@bk.ru](mailto:uzteatr@bk.ru)





## ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1	Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўриниши	маъруза	2	Ойнинг 2-ҳафтаси
2	Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши	маъруза	2	Ойнинг 2-ҳафтаси
3	Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ва улардан фойдаланиш	амалий	2	Ойнинг 3-ҳафтаси
4	Таълим сифатининг яхшиланишига хизмат қилувчи омиллар.	Мустақил таълим	2	Ойнинг 4-ҳафтаси



## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<b>1-мавзу</b>	<b>Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўринишлари</b>
----------------	--

## Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти– 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Маъруза (ахборотли)
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.</li> <li>2. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришларининг фан ўқитилишидаги янги босқичлари.</li> <li>3. Бадиий танқид жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўринишлари ҳақида билимларни шакллантириш ва чуқурлаштиришдан иборат.	
<b><i>Педагогик вазифалар:</i></b>	<b><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари билан таништириш;</li> <li>• бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришларнинг фан ўқитилишидаги янги босқичларини очиб бериш;</li> <li>• замонавий жанр ва кўринишлари тўғрисида янги танқидий концептуал ёндошувнинг илмий асосларини очиб бериш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситаларини таснифлайдилар</li> <li>• бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришларнинг фан ўқитилишидаги янги босқичларини айтиб берадилар;</li> <li>• замонавий жанр ва кўринишлари тўғрисида янги танқидий концептуал ёндошувнинг илмий асосларини тартибли равишда очиб берадилар.</li> </ul>
<b><i>Ўқитиш усуллари</i></b>	Маъруза, ақлий хужум ҳамда таққослаш жадвали
<b><i>Ўқитиш шакллари</i></b>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<b><i>Ўқитиш воситалари</i></b>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<b><i>Ўқитиш шароитлари</i></b>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<b><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></b>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқа топшириқлар



## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
<b>1-босқич.</b> <b>Тайёргарлик</b> <b>босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмуни тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич.</b> <b>Кириш</b> (10 дақиқа.)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади. Таққослаш таблицаси ёрдамида жадвал тўлдирилади. (2-илова).</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги туб ўзгаришлар. Ўтиш даври ва тараққиёт босқичлари бўйича тингловчилар билан суҳбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p>
4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>



### Ақлий ҳужум усули

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш.

#### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

#### Саволлар

1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари ҳақида фикрингиз?
2. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришларининг фан ўқитилишида қандай босқичлари миавжуд?
3. Бадиий танқид жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти?


**Таққослаш таблицаси: Ижодкорнинг асари таҳлили Бадиий танқид асосларини жадвал ёрдамида таққосланг**

**Ўхшаш жиҳатлари**


**Ўзига хослиги**



*1-слайд*



*2-слайд*



2-мавзу

## Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши (маъруза – 2 соат)

## Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Маиғулот тури</i>	Визуал, ахборот маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Анъанавий услубларнинг замонавий услублар билан синтези. 2. Фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни. 3. Бугунги кунда бадиий танқид фанининг тадқиқот предмети.
<i>Ўқув маиғулотининг мақсади:</i> Анъанавий услубларнинг бойиши ва янгилашиши тўғрисидаги тадқиқотлар ва изланишлар ҳақидаги билимларни шакллантириш ва чуқурлаштиришдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• анъанавий услубларнинг замонавий услублар синтези билан таништириш;</li> <li>• фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• бугунги кунда бадиий танқид услуги ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини очиқ беради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• анъанавий услубларнинг замонавий услублар синтези ҳақида тушунчага эга бўлади;</li> <li>• фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини ҳақида маълумотга эга бўлади;</li> <li>• бугунги кунда бадиий танқид услуги ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини айтиб берадилар.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, Б/Б/Б техникаси
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.



## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
<b>1-босқич.</b> <b>Тайёргарлик</b> <b>босқичи</b>	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун такдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич.</b> <b>Кириш</b> (10 дақиқа.)	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.2. Тингловчилар билан ўтилган мавзу юзасидан Б/Б/Б техникаси орқали савол-жавоблар ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
<b>3-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>қисм</b> (60 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади.</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади, Фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни юзасидан савол-жавоб шаклида суҳбат уюштиради.</p> <p>3.4. Замонавий танқидчиликда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p>
<b>4 босқич.</b> <b>Яқун ясаш</b> (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради:</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топширикни ёзиб оладилар.</p>



**Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Бадиий танқиддаги қандай анъанавий усулларни биласиз?			
2.	Анъанавий усуллар нимани ҳисобига бойийди?			
3.	Янгилашиш яъни модернизация учун қандай омиллар керак?			
4.	Замонавий бадиий танқид ва танқидчилардан кимларни биласиз?			
5.	Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.			
6.	Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.			





## 3- мавзулар

## Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ва улардан фойдаланиш

## Амалий машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот.
<i>Амалий машғулот режаси</i>	1.Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар. 2.Таълим сифатини яхшилашга хизмат қилувчи омиллар. 3.Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришлар 4. Замоनावий оқим ва йўналишларнинг турлари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ҳақида билим ва кўникмаларни кенгайтириш, мустаҳкамлашдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;</li> <li>таълим сифатини яхшилашга хизмат қилувчи омилларни таҳлил қилиш жараёнини ташкил қилиш;</li> <li>замонавий оқим ва йўналишларнинг турлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновацияларни санаб берадилар;</li> <li>таълим сифатини яхшилашга хизмат қилувчи омилларни таҳлил қилиш жараёни тўғрисида аниқ билимга эга бўладилар;</li> <li>замонавий оқим ва йўналишларнинг турлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Амалий топшириқларни бажариш, ақлий хужум, Б/Б/Б техникаси;
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, проектор, маркер, амалий машғулотга доир тарқатма материаллар,
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар Ёзма сўров: реферат ва тест



## Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Тингловчининг
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> (5 дақиқа)	<p>1.1. Амалий машғулотининг мавзуси, мақсади, кўзланаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. Баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.2. Амалий машғулотда барча тингловчилар индивидуал тарзда ўқитувчига ўз иқтидорларини намоён қиладилар.</p>	Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.
<b>2-босқич.</b> <b>Асосий қисм</b> (65 дақиқа)	<p>2.1. Билимларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилувчи саволлар беради:</p> <p>1. Бадиий танқид фанини ўқитишда содир бўлаётган инновациялар</p> <p>2. Таълим сифатини яхшилашга хизмат қилувчи омиллар.</p> <p>3. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришлар</p> <p>4. Замонавий оқим ва йўналишларнинг турлари бўйича Блиц сўров ўтказди. (1-илова)</p> <p>2.2. Тингловчиларга тарқатма материалларни тарқатади (2-илова) ва индивидуал тарзда ушбу топшириқларни бажаришни таклиф қилади. (Кластер усули)</p> <p>2.3. Тингловчиларни кластер тузиш жараёнида, маслахатчи, йўлантирувчи сифатида фаолият юритади. Кластер тузиш жараёни тугаши ҳақида эълон қилади. Ихтиёрий тарзда иккита тингловчининг кластерини текширади, изоҳлайди. Бажарилган топшириқларни текширади.</p> <p>2.4. Доскада тингловчилар ёрдамида кластернинг ўзини вариантини чизади (2-илова). Тингловчиларга дафтарга кластерни кўчириб олишлигини таклиф қилади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Аниқлик киритадилар ва баджарадилар</p>
<b>3-босқич.</b> <b>Яқуний қисм</b> (10 дақиқа)	<p>3.1. Ўқув фаолияти натижаларига яқун ясайди. Топшириқларни тўғри ва тўлиқ бажарган тингловчиларни баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. Мавзулар берилади ва (Реферат) кўринишида қабул қилинади.</p>	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, вазифани ёзиб оладилар



**Блиц-сўров саволлари**

1. Бадий таҳлил ва танқид, боғлиқлик ва айрилик жиҳатлари
2. Бадий танқидчиликнинг бугунги кундаги оғриқли нуқталари нималардан иборат?
3. Танқидчиликда мавжуд муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабаблари?
4. Театршуносликнинг оқсашига сабаб бўлаётган омиллар?
5. Эстрада санъатининг муаммолари
6. Қўшиқчилик санъатининг асосий муаммолари?

**“Кластер” техникаси**

**Кластер** – фикрларни тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундайди. Кластер технологияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча тингловчилар шу сўз бўйича хаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.



## КЛАСТЕР



## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1- мавзу: Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўринишлари

**Режа:**

- 1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.**
- 2. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгарилшларнинг фан ўқитилишини янги босқичлари.**
- 3. Бадиий танқид жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти.**

“Бадиий танқид тарихи ва унинг бугунги кундаги кўриниши” предмети ўз моҳиятига кўра малака ошириш жараёнида қуйидаги фанларни бевосита ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда кечади. “Жаҳон ва миллий театр тарихи”, “Драматургия тарихи ва назарияси”, “Тасвирий санъат тарихи ва замонавий масалалари. “Театр декоратив санъати”, “Муסיқа тарихи ва замонавий муסיкий санъати”, “Кино санъати тарихи.” Замонавий жаҳон ва миллий кино санъати”, “Телерадио санъати”, “Анъанавий ва замонавий томоша санъатлари”. “Режиссура ва актёрлик санъати асослари” шунингдек, эстетика фанини ўзлаштириш ҳам малака ошириш жараёнининг таркибий қисмига киради.

Бадиий танқид тарихи М. Шермухамедов, А. Фитрат, А. Қодирӣ, Ғ. Зафарӣ, А.Чўлпон, А.Сулаймон, З.Башир каби жади́д маърифат-парваларидан бошланди. Бу йўналиш М. Рахмонов, Т. Турсунов, М. Қодиров, Т.Баяндиев каби фан докторлари томонидан ривож топди. Театр санъатининг бадиий таҳлили эса замондош олимлар С. Турсунбоев, М. Тўлахўжаев, М. Хамидова, Т. Махмудов, Э. Умаров, Э. Мухторов, Х. Икромов, С. Қодирова, Ш.Ризаев, М.Умаров, О.Ризаев, М.Ахмаджонова кабиларнинг тадқиқотларида турли йўналишларга эга бўлди.

Юқорида қайд этилган фанларда тингловчилар санъат ва унинг турлари. Ифода воситалари. Ифода объектлари. Ҳаётӣлик, ҳаққонӣлик ва бадиӣлик тушунчалари. Санъаткор, санъатшунос, устоз, уста, маҳорат каби тушунчаларни таҳлили орқали бадиий танқид тарихини англайдилар.

Шунингдек драматургия (пьеса, сценарий, либретто), драма, инсценировка, оғзаки драма, театр, халқ театри, телерадиотеатр, анъанавий театр; кино, телевидения, муסיқа, тасвирий санъат, хореография, рақс музейшунослик каби санъат турларига тегишли таҳлилларидан намуналар келтирилади. Уларга тегишли бўлган ижодий мутахассисликларнинг:



-драматург, инсценировкачи; актёр, режиссёр; рассом, декоратор, гримёр, бутафор музейшунос, раққоса, балетмейстер, дирижёр, композитор, вокалист, анъанавий ижрочи; гармония, полифония, оранжеровка каби йўналишлар атамалари моҳиятини ўзлаштиради.

Шундай қилиб маърузада талқин, таҳлил, табдил каби акс эттириш тушунчалари таянч атамаларига айланади.

**Мавзу** (тема) тушунчаси ва унинг қўлланиши, мавзу турлари: илмий мавзу, бадиий асар мавзуси, абадий мавзу, даврий мавзу, долзарб (актуал) мавзу, муаммоли мавзу, публицистик мавзу, қизиқарли мавзу, фантастик мавзулар ва уларнинг борликни қамраб олиши маъруза асосини ташкил қилади.

Натижада, ижтимоийлик, ижтимоий ҳаёт, бадиий асарнинг ижтимоийлиги, маънавият, маърифат; асарда маънавийлик, маърифийлик, тарбиявийлик тушунчалари мавзуга асосланган ҳолда ёритилади.

**Ғоя**, асарнинг ғоявийлиги, мавзунинг ғоявий уйғунлиги каби тушунчалар таҳлил қилинади. Санъат турлари асарларида ғоявий бадиий уйғунлик ва унинг аҳамияти танқидга асос бўлади.

Навбат мавзу ва ғояни бирлаштирадиган сюжетга келди. Бадиий асар сюжети. Бадиий асар сюжетини (санъат турлари асарларида) аниқлаш. Бадиий асар сюжетининг жозибадорлиги. Жозибадорлик унсурлари: ҳаётийлик, ҳаққонийлик, воқеабандлик, интрига, таъсирчанлик, нафислик, нафосат ёки аксинча ўткирлик, даҳшатли "портлашлар", кутилмаган бурилишлар аниқланади. Сюжет яратишда муаллифнинг позицияси, дунёқараши, интеллекти, фикрлар теранлиги, муаммолилиги, ижтимоий ўткирлигининг аҳамияти таҳлил қилинади.

Хатти - ҳаракат. Сюжет яратишда хатти – ҳаракатнинг аҳамияти. К. С. Станиславскийнинг психофизик хатти - ҳаракат ибораси ва унинг моҳияти. Қаҳрамонлар қилмишларини, ғоявий интилишларини баёнда эмас, руҳий ва жисмоний хатти-ҳаракатларда ифодалаш, таъсирчанликнинг бош калити.

Етакчи хатти - ҳаракат (сквозное действие), қарши ҳаракат (контр действие), терминлари ва асар персонажларининг тўқнашувлари орқали ғояси очилиши ҳамда унинг аҳамияти.

**Конфликт** атамасининг моҳияти. Конфликт драматик ёки бошқа турдаги барча санъат асарларининг ўзаги, уни ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги.

Конфликт танланиши ва уни идрок этилиши – ижодкорнинг концепциясини, бадиий асар ғоясини амалга ошиши эканлиги.



Санъат турларида ижтимоийлик, ғоявийлик, мавзу, сюжет, рухий - жисмоний ҳаракат, етакчи ҳаракат, қарши ҳаракат, конфликт ва коллизиялар каби бадиий асар унсурларини яратилиши ва акс этганлиги тахлили.

Улар жамланиб воқеада акс этади. Воқеа санъат асарларидаги, структура (тизим) ни юзага келтирувчи таянч эканлиги асосланади.

Воқеа - драматик ҳаракатни узлуксиз олдинга суриб, ривожлантириб борувчи, сюжетдаги бурилишларни белгиловчи фаоллик, тифизлик ва шиддат бахш этувчи куч экани.

"Воқеа, муаллиф томонидан ифодаланувчи ғояга асос" - экани (М. Кнебель).

Асосий воқеа - драматик асардаги хатти - ҳаракат қурилмаларининг таянчи.

Бош воқеа (илк вазият) асосий конфликт бошламаси, «тугун».

Воқеалар қатори ва унда биринчи воқеа персонажлар учун курашишга асос бўлади.

Марказий воқеа (Станиславский) етакчи хатти - ҳаракат бўйича кечувчи ўзаро курашнинг энг олий нуқтаси экани. Кульминация.

Финал (хотима), якуний воқеани етакчи хатти - ҳаракат бўйича курашларнинг якунланишини билдирувчилик хусусияти.

Характер ва характерлилик тушунчаси, санъат асари ва унинг персонажларига нисбатан ишлатилиши.

Образ ва образлилик тушунчаси. Образ ва образлилик, характер ва характерлилик хислатларининг умумий уйғунлашуви.

Ижро, яратиш, акс эттириш, ифодалаш, талқин этиш атамаларининг моҳияти ва уни турли санъат асарлари натижаларига нисбатан ишлатилиши. Санъат асарларида ҳаракат тушунчаси ва унинг асар бадиийлигида тутган ўрни ва аҳамияти.

**Драматик асарда хатти - ҳаракат.** Хатти - ҳаракат драматик асар қаҳрамони қилмишидаги маълум иродавий акт (яъни ҳаракат) экани.

Қаҳрамон хатти-ҳаракатининг келиб чиқиш омиллари. Драматик ҳаракатнинг албатта қарши ҳаракатга тўқнаш келиши.

Станиславский бўйича "етакчи" (сквозное действие) ҳаракат ва қарши (контрдействие) ҳаракат тушунчаларининг моҳияти. Асарда қарши (контрсквозной) ҳаракатнинг йўқлиги ва унинг оқибатлари. Хатти-ҳаракатнинг драманинг структураси(тизими)ни юзага келтирувчи асосий ўзига хосликлари: силжишлар, кризислар, конфликтлар ва кутилмаган бурилиш ҳолатлари. Уларнинг персонажлар тақдирида кутилмаган метамарфоза(яъни ўзгариш)ларга олиб келиш хусусиятлари.





Диалоглар, уларнинг турлари, ахборот -информацион функцияси, жанрларда устунлик қилувчи ҳаётий - маиший ва илмий - фалсафий диалоглар билан драматик диалоглар ўртасидаги тафовут ҳақида.

Реплика ва унинг моҳияти. Репликалар персонажларнинг хатти - ҳаракат фаоллигига олиб келиш хусусияти.

Психо-физик ҳаракат ва унинг моҳияти мураккаб муаммолар содда ҳаракатларда ифодаланишининг улуғлиги ҳақида.

Хатти-ҳаракат санъат турларида ифодаланишининг ўзигахосликлари: мусиқа, тасвирий санъат, рақс ва хореография, театр, кино, телерадио, клип ва саунтреклар.

Бадиий асар композицияси ва унинг моҳияти. Бадиий асарларнинг композицион яхлитлиги.

Жанр тушунчаси. Бадиий асар жанрлари; лирика, эпос, комедия, драма трагедия. Асарда акс эттирилаётган воқеликни ўзига хослиги ва унга нисбатан муаллиф (драматург, бастакор, композитор, rassom ва ҳоказо) муносабатининг характери билан шартланган композицион тизим бирлиги жанрнинг ижтимоий функцияси; жанр - муаллифнинг ғоявий-эстетик позицияси.

Асосий драматик жанрлар: трагедия ва комедия. Трагедия келиштириб бўлмас кучлар ўртасидаги конфликтга асосланиб, қаҳрамоннинг ўлими ёки кескин мағлубияти билан тугаши. Трагедияда мавзу кўламнинг (глобаллиги) йириклиги ва албатта ижтимоий эканлиги.

Комедияда коллизия ва характерлар кулгили шакл ёки комик эффект билан суғорилиши. Комедиянинг ижтимоий функцияси. Гротеск, гипербола, карикатура кулгили (комик) характеристиканинг эффектли воситаси экани. Комедиянинг турлари ва хусусиятлари. Трагикомедия ҳақида.

Драма ҳақида. Драма асосида жиддий, мураккаб ва ўткир характер конфликтлари ёритилиши, аммо финалда улар драматик, фалсафий ечим топиши.

Драма қаҳрамони трагедия қаҳрамонига нисбатан глобал муаммоларни акс эттирмайдиган хусусий шахс ва у замона масласини кўтаради. Драмада даврнинг ижтимоий - маиший садоси эшитилиб туради, лекин, тўғридан - тўғри ижтимоий тарихий катаклизмалар магистралига бостириб кирмайдиган коллизия ва конфликтларга мурожаат қилинади.

Психологик драма, мелодрама, тарихий драма, маиший драмаларнинг бугунги кундаги кўриниши. Уларнинг масалалари, ечимлари ва истикболи.

Тингловчиларга назарий билимлар - бадиий таҳлил ва танқидчиликнинг туғилиши ва шаклланиши жараёнига тарихий ёндошув





асосида ва илмий ўрганиш воситасида берилади. Бадий таҳлил ва танқидчиликнинг мустақил ижодий фаолият даражасигача босиб ўтган йўлини, босма матбуот юзага келгандан буён ривожланиш жараёнини умуминсоний маданият тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилган намуналарни ўзлаштириш ва уларни конспектлаштириш усули қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу жараёнда санъат асарини танқид қилишнинг бирдан бир самарали услуги тизимли таҳлил эканлиги ва у XX асрга келиб қарор топгани, натижада ижодкор ва жамият орасидаги алоқадорлик тушунчалари ҳам илмий сингдириб борилади.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Бадий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.
3. Санъат асарини ташхис этиш.
4. Бадий дидни тарбиялаш тамойиллари.
5. Илмий ва ижодий изланишлар услугиёти.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабр.– Т.: Янги аср авлоди, 2004.
3. Бояджиёв Ғ. От Софокла до Брехта за сорок театральных вечеров. – М.: Просвещение, 1969.
4. Дўстоев Т. Музей ва маънавият. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. № 32.
5. Истиқлол ва миллий театр (тўплам). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
6. Икромов Х. Замон ва сахна. -Т.: Маънавият, 2010.
7. Исломов Т. Тарих ва сахна. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
8. Сайфуллаев Б. Актёрлик маҳорати. -Т: Фан, 2012.
9. Салимов О. Касбим режиссёр. -Т.: Ғ.Ғулом, 2009.
10. Станиславский. Актёрни ўз устида ишлаши. -Т.: Янги аср авлоди, 2010.
11. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
12. Турсунов Т. Сахна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.



## 2 мавзу: Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши.

Режа:

1. Анъанавий услубларнинг замонавий услублар билан синтези.
2. Фаннинг бошқа ижтимоий – гуманитар фанлар тизимидаги ўрни.
3. Бугунги кунда бадиий танқид фанининг тадқиқот предмети.

Анъанавий услублар танқиди ва тахлили аввало театр санъатида бошланди. Театр санъати. Театр борлиқни бадиий акс эттириш воситаларидан бири экани; театр санъатининг ўзига хосликлари. Театр санъатининг ҳаракат орқали таъсир табиати. Театрнинг синтетик хусусиятлари. Спектакл яратишда унинг турли компонентлари ва ифода воситаларининг ўрни ва аҳамияти.

Режиссура - спектакл яратиш санъати. Режиссёр - театр жамоасининг раҳбари. У спектакл яратувчи барча ижодий ходимларнинг меҳнатини ягона ғоявий - бадиий фикр ва шакл атрофида мужассам этиб асар яратувчи ижодкор, раҳбар. Шунингдек, техник ходимларнинг спектакл яратишдаги роли.

**Драматургия -театр санъатининг асоси.** Спектакл бу драматург асарини сахнавий талқини экани. Драматик асар мазмуни ва ғояси. Пьесанинг бош ва қўшимча мавзу(тема)лари. Ғоя -асарнинг бош фикри экани. Персонажлар характери уларнинг қилмишларини сахнадаги хатти - ҳаракатлари орқали очилиш зарурати. Драматик асарнинг бадиий ўзига хосликлари образлар тузилиши, пьеса композицияси, унинг тилива жанри.

Муаллиф стили пьесанинг ғоявий-бадиий ўзига хосликларининг йиғиндисидир. Эълон қилинган репертуар театр жамоасининг ғоявий ҳамда ижодий фаолиятини ифодаловчи ойна ва актёрлар қудратини намоён қиладиган мезон.

Замонавий ўзбек пьесалари олдида қўйиладиган талаблар: ҳаётни ҳаққоний акс эттириш мустақиллик ғояларини сингдириш, ўтмишимиз ва бугунги кунимизга таҳлилий ёндашиш ютуқларни ва қадриятларни тан олган ҳолда мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун тушов бўлиб турган кўринишларга танқидий ёндашиш.

Профессионал театр жамоалари ва уларнинг турлари. Халқ ва хаваскорлик театрлари. Антреприза. Замонавий "Бродвей" типдаги театрлар. Хусусий театр ва театр студиялар.

Замонавий профессионал театрлар учун репертуар тузишнинг асосий принциплари:



- пьеса мавзуининг актуаллиги;
- драматик асоснинг юксак ғоявий - бадиий даражада бўлиши;
- қўйилмоқчи бўлган асарни жамоанинг қизиқишлари ва имкониятларига мослиги;
- ўзбек ва чет эл мумтоз асарларининг замонавий театр жамоалари репертуари учун аҳамияти;
- адабий асарлар ва хужжатлар асосидаги фактлар инсценировкаси.

**Театр санъатининг компонентлари.** Актёр спектаклда марказий фигура. Спектакл ғоясини актёрлар яратган сахнавий образлар орқали очилиши. Спектакл яратиш жараёнида актёр маҳоратини таянч нуқтага айланиши.

Рассом спектаклни яратувчиларидан бири экани. Спектаклнинг ғоявий - бадиий фикрини очишда сценографиянинг аҳамияти. Сценографиянинг режиссёр фикрига мослиги. Ёритиш, ранг, кийим - кечак, бутафория партитураларининг спектакл бадиий яхлитлигидаги ўрни.

Драматик спектаклда мусиқа. Спектаклда мусиқа ишлатишнинг турли - туман принциплари. Спектакл учун мусиқа яратиш борасидаги композиторнинг ишлари, изланишлари, топилмаси ва талқини.

**Режиссёр спектаклнинг ғоявий ҳамда бадиий ташкилотчиси.** Режиссёрнинг асосий вазифаси - драматик асарга сахнавий ҳаёт бериш экани. Режиссёр томонидан спектакл мазмунини, унда акс эттирилган даврни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиб, ғоявий - бадиий фикри (замысл)ни намоён этиш.

Режиссёр дунёқараши ва унинг бадиий маданиятини драматик асарни идрок этиб, спектакл ғоявий-бадиий фикрини талқин этишдаги роли. Постановка режасида режиссёр ўз фикрини амалга ошириш тизими.

Режиссёрнинг актёрлар билан сахнавий образлар яратишдаги иши. Спектакл образи ва ғоявий - бадиий тўлақонлигини юзага келтиришда режиссёрнинг рассом билан, композитор ва бошқа ижодкорлар билан ҳамкорлигининг аҳамияти.

Режиссёр ижодий раҳбар сифатида жамоадаги касбий, ғоявий ва ижодий тарбияга ҳамда маънавий муҳитга масъуллиги.

**Режиссура санъати ривожининг асосий этаплари.** Режиссуранинг ижодий касб сифатида тикланиши. Шекспир, Мольер, Гольдони ижодларида режиссура элементлари. Л. Кронег раҳбарлигидаги Мейнинген театри (XIXаср иккинчи ярми)да режиссура касб сифатида юзага келиши.

Мейнингенчиларнинг К. С. Станиславский изланишларига таъсири.

Машхур ғарб режиссёрлари А. Антуан, М. Рейнгардт, А. Федотова, А. Ленский, К. С. Станиславский, В. Немирович - Данченко, Г. Крэг, В.



Мейерхольд, Е. Вахтангов, А. Тоиров, Г. Товстаногов, О. Ефремов, А. Эфрос ва бошқа улуғ устозларнинг режиссура касбини узил кесил шакллантириб, кечинма санъати мактабининг яратилиши ва ривожланиши.

Ўзбек театри ва режиссёрлик мактабининг ривожланиш этаплари ва намоёндалари.

**Актёрлик санъати реалистик анъаналари ва Станиславский системаси.** Ҳаётий ҳақиқат, реалистик сахна санъатининг асоси. Актёрнинг асар қахрамони қилмишлари, фикрлари ва ҳис-туйғулари билан яшай билиши ҳаққоний сахнавий образ яратишнинг асосидир.

Актёрлик санъатидаги асосий икки йўналиш:

- намойиш этиш санъати;
- кечинма санъати. Ҳар икки йўналишнинг улуғ вакиллари.

Станиславский системасининг ғоявий бадий илдизлари ва унинг асосий қоидалари:

- ҳаракат сахна санъатининг асосидир;
- ҳаракат бирор мақсадни амалга оширилишига қаратилган органик психофизик жараёндир;
- берилган шарт-шароитда мақсадга мцувофиқ хатти-ҳаракат ижоднинг бошланишидир;
- кураш ва қаршилиқларни енгиш, актёр ҳаракатини ривожлантирадиган зарур шартидир.

Станиславский системасининг асосий бўлимлари:

- сахнада ҳаққоний ҳаракат қилиш учун зарур хислатларни ўзида тарбиялаши, актёрнинг ўзи устидаги иши:
- актёрнинг рол устидаги иши;
- актёрнинг рол устида ишлаш жараёнида ўз устида ишлашидан иборат.

Актёрлик санъатининг асосий элементлари: мушаклар эркинлиги; сахнавий диққат; тасаввур; ишонч; берилган шарт – шароитда мақсадли ҳаракат қила олиш; сеҳрли "агарда"; ҳиссий хотира; жисмоний хатти – ҳаракат хотиралари; самимийлик; кузатувчанлик; бадихагўйлик; партнёр билан мулоқатга кириша олиш; ички ва ташқи темпоритм ва ҳоказолар. Импровизацион (бадихавий) қобилият ва унинг актёр маҳоратидаги ўрни.

**Муסיқа санъати.** Муסיқий драматургия моҳияти, уни яратиш ва тушунишдаги умумийлик ва ўзига хосликлар. Энг кенг тарқалган муסיқий жанрлар: кўшиқ, ашула; -опера (лирик опера, ҳажвий опера), балет, ўзбек муסיқали драмаси ва комедияси; симфоник муסיқа (симфония, увертюра, сюита, поэма в. б.); камер муסיқаси (квартет, квинтет, романс)



Жўр овозлик (дуэт, трио, квартет ва ҳ. к). Ансамблда ижро; мелодия, гармония, полифония терминлари. Соз ижро маҳорати, овоз ижро маҳорати. Якка соз, ансамбл ва оркестр ижролари. Ансамбл ва оркестр ижролари. Муסיқий асарларни таҳлил қилишдаги умумийлик ва ўзига хосликлар. Тема, сюжет, ғоя ифодаси ва маҳорат масалалари.

Муסיқали театр, ифода воситалари: умумийлик ва ўзига хослик. Муסיқий театрда синкретизм ва синтетизм. Муסיқий театр спектакллари таҳлили ва танқидидаги умумийлик ва ўзига хослик.

**Тасвирий санъат:** тасвирий санъатда драматургик моҳият ва унинг намоён бўлиши; тасвирий санъат ифода воситалари; тасвирий санъатда мавзу, сюжет, ғоя ифодасининг, ўзига хосликлари.

**Тасвирий санъатнинг асосий тур ва жанрлари:** (тур) рангтасвир (живопис), графика, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъатлари, архитектура (меъморлик); (жанр) портрет, манзара, натюрморт, аллегория, тарихий ва тарихий батал (жанг), маиший ва ҳоказолар ҳақидаги умумий тушунчалар. Тасвирий санъатда маҳоратнинг акс этиши ва ўзига хосликлари. Тасвирий санъат ҳақида таҳлилий фикр юритишда бошқа санъатлар билан умумийлик ва ўзига хосликлар.

**Рақс ва хореография санъати:** Рақс ва хореографияда драматургик моҳият ва унинг намоён бўлиши. Рақс ва хореография санъатининг ифода воситалари. Рақс ва хореографияда мавзу, сюжет ва ғоя ифодасининг; ўзига хосликлари. Рақс ва хореография санъатининг асосий тур ва жанрлари. Улар ҳақида умумий тушунчалар. Рақс ва хореографияда маҳоратнинг акс этиши, ўзига хосликлари. Рақс ва хореография санъати номерлари устида таҳлилий фикр юритишда бошқа санъатлар билан умумий ва ўзига хос қонун - қоидалари.

**Музей ва музейшунослик унинг долзарб масалалари.** Ҳар бир корхона ва муассасалар ўзининг шахсий музейига эга бўлиши керак. Уларни музейшунос мутахассислар билан таъминлаш ва уларни малакасини ошириш. Музейшуносларнинг ўзига хос услубларини умумлаштириш, назарий асосларини бойитиш ва янгиликларни тарғиб қилиш.

Анъанавий услубларнинг бойиши ва модернизациялашиши қуйидаги омилларга боғлиқ. Спектаклни таҳлил этиш маҳорати нафақат театр танқидчиси, тарихчиси ёки маъмурий ходимларига балки санъатшунос журналистга ҳам ниҳоятда зарурдир.

Замонавий спектакл одатда мураккаб синтетик асар шаклида намоён бўлади. Чунки у, қатор санъатларни ўзида мужассам этади. Шунинг учун спектакл таҳлили ва танқиди учун унинг асосий компонентларини аналитик кўриб чиқиш зарур. Бу компонентлар қаторига драматургик асар, режиссура,



актёр ижроси, бадиий – декорация жиҳозлар, мусиқа, хор, пластика ва хореография киради.

Шу билан бир қаторда, компонентлар ажралган ҳолда эмас, балки яхлит бадиий синтез сифатида, ўзаро алоқада кўриб чиқилмоғи талаб этилади. Натижада спектаклнинг "олий мақсадини" ифода этиш учун қай даражада хизмат қилаётганлиги аниқланади.

Спектаклга ғоявий ва ҳаётий мазмун берувчи, унинг стилистикасини белгиловчи драматургик асар жанр принциплари асосида таҳлил этилади. Аммо, бу таҳлил энди мустақил характерда бўлмай, балки бутун спектаклга мувофиқлаштирилган тарзда далилланган, қисқа ва умумлаштирилган ҳолда бўлади. Танқидчи ўз таҳлилида асосий эътиборини пьеса постановкасида ёрқин ривож топган томонларига, хислатларига ва образларига қаратади.

Агар спектакл проза ёки поэзия асарининг инсценировкаси асосида кўйилган бўлса унда инсценировканинг шакли, характери ва аслига мослиги баҳоланади.

Спектаклни таҳлилий ва танқидий кўриб чиқишда энг қийин иш режиссёр ишини таҳлил этиш ҳисобланади. Режиссёрнинг вазифаси - пьеса асосида ва ўзининг ғоявий ечимига мос спектаклнинг бадиий шаклини, воқеа унинг атмосфераси (муҳити)ни яратиш, унинг компонентларини бирлаштириб ягона бадиий яхлитлик ҳосил қилишдир.

Спектаклнинг постановкачи - режиссёри зиммасига: пьесани талқин қилиш; сахнани планировкалаш; рассом билан ҳамкорликда спектаклнинг томошавий образини яратиш; спектаклнинг вақт нуқтаи назаридан композициясини яратиш (яъни кулминация дақиқаларини аниқлаш; спектакл ва унинг алоҳида сахналари темпо - ритминини белгилаш ва ҳоказо) киради. Шунингдек, спектакл композициясининг майдон нуқтаи назаридан ечилганлиги, яъни ва оммавий сахналар мизансценалар қурилиши, композитор билан спектакл мусиқаси устидаги ишлари ҳам ёддан чиқмаслиги лозим. Лекин режиссёр фикрининг ифодаловчи энг асосий восита актёрлар ижроси ҳисобланади.

Агар классик асар асосидаги постановка таҳлил этилмоқчи бўлса, энг аввало режиссёрнинг ва спектаклнинг барча иштирокчилари талқинидаги замонавийлик нималарда ифодаланганлигини ва бундай талқин замона руҳи ҳамда мазмунига мос ёки зидлигини белгилаб олмақ зарур.

Режиссёрнинг муҳим ифода воситаларидан яна бири мизансцена - актёрларнинг сахнада мақсадга мувофиқ жойлашуви ва ҳаракати ҳисобланади. Шу боис тингловчилар мизансценаларда персонажларнинг мулоқоти, спектаклнинг "олий мақсади" қанчалик ифодаланганлигини очиб бериши керак. Шунингдек, халқ тимсоли бўлган оммавий сахналарнинг (агар





улар бўлса) спектаклдаги ғоявий ва композицион ўрни, қирилиш услуби, уларнинг бош қаҳрамонлар билан, хатти - ҳаракатининг умумий йўналишига алоқадорлиги ҳам аниқлаб, баҳоланади.

Юқоридаги босқичлар санъат асарининг замон руҳига мос модернизациялашганлигини белгилайди.

### **Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари**

1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Замоनावий бадиий танқид ва танқидчилар.
3. Санъат тақризида замоनावий баён воситаларидан фойдаланиш услублари.
4. Замоनावий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.
5. Санъат асарини ташхис этиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабр.– Т.: Янги аср авлоди, 2004.
3. Бояджиёв Ғ. От Софокла до Брехта за сорок театральных вечеров. – М.: Просвещение, 1969.
4. Дўстоев Т. Музей ва маънавият. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. № 32.
5. Истиқлол ва миллий театр (тўплам). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
6. Икромов Х. Замон ва сахна. -Т.: Маънавият, 2010.
7. Исломов Т. Тарих ва сахна. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
8. Сайфуллаев Б. Актёрлик маҳорати. -Т: Фан, 2012.
9. Салимов О. Касбим режиссёр. -Т.: Ғ.Ғулом, 2009.
10. Станиславский. Актёрни ўз устида ишлаши. -Т.: Янги аср авлоди, 2010.
11. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
12. Турсунов Т. Сахна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.



**ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Театрнинг томошабин кўриши учун яратган асари қандай аталади?**

- А) Томоша
- Б) Спектакл
- В) Драма
- Г) Сценарий

**2. Театр нима?**

- А) Томошагоҳ, ҳаётни акс эттирувчи санъат тури
- Б) Томошалар қўйиш билан шуғиланадиган муассаса
- В) Томоша кўрсатадиган майдон
- Г) Барча жавоблар тўғри

**3. “Алишер Навоий” пьесасининг муаллифи ким?**

- А) А.Қаххор, Ойбек
- Б) Уйғун, И.Султонов
- В) Т.Тўла, Уйғун
- Г) О.Ёкубов, П.Қодиров

**4. Театр асосда нималар ётади?**

- А) Репертуар, драма, пьеса, сахна нутқи
- Б) Тасвирий санъат, Мусиқа, сахна безаги
- В) Оғзаки ёки ёзма драматургия
- Г) Меъморлик, декорация, Мусиқа

**5. Саҳна асарининг асоси нима?**

- А) Ғоя
- Б) Пьеса
- В) Образ
- Г) Сюжет

**6. Ўзбек миллий профессионал режиссурасининг асосчиси ким?**

- А) Авлоний
- Б) Бехбудий
- В) Маннон Уйғур
- Г) Музаффар Мухаммедов





**7. Ўзбек сахнасида шох Эдип ролини ким ўйнаган?**

- А) Т. Азизов
- Б) Ш.Бурҳонов
- В) Ё. Аҳмедов
- Г) У. Тиллаев

**8. Жадиждлар театри қачон ташкил топди?**

- А) 1906йил
- Б) 1916 йил
- В) 1914 йил
- Г) 1918 йил

**9.Кечинма санъати ижро усулининг асосчиси ким?**

- А).Нимирович Данчнко
- Б) Константин Станиславский
- В) Евгений Вахтангов
- Г)Бертольд Брехт

**10.Чайка асарининг муаллифи ким?**

- А) Максим Горький
- Б) Антон Чехов
- В) Александр Островский
- Г) Лев Толстой



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Санъатшунослик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши.
3. Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда санъатшуносликнинг умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари.
4. Санъат асарларининг қандай замонавий жанр ва кўринишлари мавжуд?
5. Санъатшунослик фанларини ўқитишда қандай янги педагогик технологиялардан фойдаланасиз?
6. Ўзбекистонда санъат турлари таҳлили ва танқиди ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
7. Санъатшунослик ва театршуносликнинг умумий ҳолати, муаммоларини қайси йўл билан ҳал этган бўлар эдингиз?
8. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида танқиднинг қандай ўрни бор?



**МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари.
2. Санъатшуносликфанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
3. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари
5. Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.
6. Санъатшунослик фанидаги ўзгаришлар ва мустақиллик даврининг асосий йўналишлари.
7. Илмий ва ижодий изланишлар услубиёти.
8. Маданият ва санъат тарихи фанларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.
9. Миллий театр эстетикаси
10. Маннон Уйғур режиссурасидаги ўзига хослик
11. Аристотелнинг “Поэтика” асаридаги “ўхшатиш санъати” ҳақида
12. Абдор Хидоятлов трагик актёр
13. Станиславский системасига изоҳлар
14. Музейлар ва уларнинг муаммолари



**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САВОЛЛАРИ**

1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Замонавий бадиий танқид ва танқидчилар.
3. Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.
4. Санъат асарини ташхис этиш.
5. Бадиий дидни тарбиялаш тамойиллари.
6. Илмий ва ижодий изланишлар услубиёти.
7. Маданият ва санъат тарихи фанларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.
8. Миллий театр эстетикаси
9. Музейшунослик масалалари



**ГЛОССАРИЙ**

1. **Талқин**- ижодкорнинг нуқтаи-назари
2. **Таҳлил**- танқидчининг асарни ўрганиш жараёни,
3. **Танқид** – мутахассиснинг таҳлилий нуқтаи-назари
4. **Мавзу** – асарга йўналиш берадиган тушунча
5. **Ғоя** –асар моҳиятига таяниб мавзуни очиш
6. **Конфликт**- қарама-қарши кучлар курашининг ғояни очишга хизмати
7. **Ҳатти-ҳаракат**- мавзу ва ғояни сахнавий ифодаси
8. **Композиция** – асарнинг бадий қурилиши
9. **Услуб** – муаллифнинг ўзига хос ифода воситалари
10. **Модернизация** – замон руҳига мос ўзгаришлар киритиш ва янгилаш
11. **Инновация** – ўқув жараёнига янгилик киритиш
12. **Интерактив** – тингловчиларни фаоллаштириш



**ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР***1-илова***Ақлий ҳужум усули**

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш.

**Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари**

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.


**Саволлар**

1. Бадиий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари ҳақида фикрингиз?
2. Бадиий танқидда рўй бераётган ўзгаришларининг фан ўқитилишида қандай босқичлари миавжуд?
3. Бадиий танқид жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти?




2- илова


Таққослаш таблицаси: Ижодкорнинг асари таҳлили Бадий танқид асосларини жадвал ёрдамида таққосланг



1-жадвал



2-жадвал





## 2- МАВЗУ БЎЙИЧА

1-илова

## Б/Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдилинг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдилинг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хоҳлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Бадий танқиддаги қандай анъанавий усулларни биласиз?			
2.	Анъанавий усуллар нимани ҳисобига бойийди?			
3.	Янгилашиш яъни модернизация учун қандай омиллар керак?			
4.	Замонавий бадий танқид ва танқидчилардан кимларни биласиз?			
5.	Замонавий танқид ва тақриздаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили.			
6.	Бадий танқиднинг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.			



**3- МАВЗУ БЎЙИЧА***1-илова***Блиц-сўров саволлари**

1. Бадий таҳлил ва танқид, боғлиқлик ва айрилик жиҳатлари
2. Бадий танқидчиликнинг бугунги кундаги оғриқли нуқталари нималардан иборат?
3. Танқидчиликда мавжуд муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабаблари?
4. Театршуносликнинг оқсашига сабаб бўлаётган омиллар?
5. Эстрада санъатининг муаммолари
6. Қўшиқчилик санъатининг асосий муаммолари?

*2-илова***“Кластер” техникаси**

**Кластер** – фикрларни тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундайди. Кластер технологияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча тингловчилар шу сўз бўйича хаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.



## КЛАСТЕР



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

1.2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1997.

1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 1997.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-йил 16-мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.

2.2. “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2005 й, 27 декабрь.

2.3. Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – 1998. - 26 март // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 4-сон. 1998. - б. 5-9.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 2001. – б. 189-190.

### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этиш тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 1997 йил 1 март.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон.

### IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

4.2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999.



4.3. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. (Президент Ислом Каримовнинг Независимая газета мухбирининг саволларига жавоблари). –Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

4.5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

4.6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

4.8. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

4.9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

4.10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

#### **V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар**

5.1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

5.2. Алимжанова З.Й., Тўлаганов А.Н., Саҳна нутқи. – Т., Модул, 2005.

5.3. Арасту. Поэтика. Аҳлоқи кабр. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.

5.4. Бояджиёв Г. От Софокла до Брехта за сорок театральных вечеров. – М.: Просвещение, 1969.

5.5. Дўстоев Т. Музей ва маънавият. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 32-сон.

5.6. Истиқлол ва миллий театр (тўплам). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

5.7. Икромов Х. Замон ва саҳна. –Т.: Маънавият, 2010.

5.8. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.

5.9. Носирова А. Саҳна нутқи. – Т., Фан 2013.

5.10. Сайфуллаев Б. Актёрлик маҳорати. –Т: Фан, 2012.

5.11. Салимов О. Касбим режиссёр. –Т.: Ғ.Ғулом, 2009.

5.12. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

5.13. Турсунов Т. Саҳна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.

Тўлаганов А. Саҳна нутқи. – Т., Муסיқа 2009.

#### **VI. Интернет сайтлари**

6.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:  
[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)



- 6.2. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси – [uzas@mcs.uz](mailto:uzas@mcs.uz).  
[www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).
- 6.4. “Жаҳон адабиёти” журналі- [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)
- 6.5. [www.literature.uz](http://www.literature.uz).
- 6.6. [www.Ziyo.net.uz](http://www.Ziyo.net.uz).
- 6.7. Театр” журналі- [uzteatr@bk.ru](mailto:uzteatr@bk.ru)

